

ЎУК 636.2.034

ТУРЛИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ШАРОИТЛАРИДА СИГИРЛАРНИНГ ЭКСТЕРЬЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.70728/conf.edu.v3.i1.017>

Сарсенбаев Қуъатбай Камалбаевич

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Нукус филиали таянч докторант

Рўзибоев Нураддин Рахимович қ.-х.ф.д., профессор
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада монбельярд зотли сигирларнинг экстерьер хусусиятлари келтирилади. Тадқиқотларда Қорақалпоғистон шароитида аралашма рационда озиқлантирилган сигирларнинг яғрин баландлиги 141,6 см, сағри баландлиги 143,5 см, кўкрак кенлиги 52,8 см, кўкрак чуқурлиги 71,4 см, тананинг қия узунлиги 167,8 см, кўкрак айланаси 205,0 см, орқа дўнг суяк эни 52,3 см ва пойча айланаси 20,8 см ташиқил этиб, хўжалик шароитида озиқлантирилган тенгқурларникига нисбатан тегишли равишда 1,9 см; 1,7 см; 0,6 см, 1,3 см; 1,8 см; 2,0 см ва 0,1 см юқори бўлганлиги келтирилади.

Калитли сўзлар: зот, монбельярд, сигир, қон, морфологик, эритроцит, лейкоцит, гемоглабин, .

Аннотация. В статье представлены экстерьерные особенности коров породы монбельярд. В ходе исследований у коров, которых кормили смешанным рационом в условиях Каракалпакстана, высота в холке составляла 141,6 см, высота в кресте - 143,5 см, ширина грудной клетки - 52,8 см, глубина грудной клетки - 71,4 см, косая длина туловища - 167,8 см, окружность груди - 205,0 см, ширина кости в маклаках 52,3 см и окружность пясти 20,8 см, соответственно, по сравнению с обычными хозяйственными кормлениями коров, выращиваемым в фермерских условиях, высотой 1,9 см; 1,7 см; 0,6 см, 1,3 см; 1,8 см; 2,0 см и 0,1 см соответственно.

Ключевые слово; порода, монбельярд, корова, кров, морфологический, эритроцит, лейкоцит, гемоглабин.

Abstract. The article presents the exterior features of Montbéliard cows. In the course of studies in cows fed a mixed diet in Karakalpakstan, the height at the withers was 141.6 cm, the height at the cross was 143.5 cm, the chest width was 52.8 cm, the chest depth was 71.4 cm, the oblique length of the trunk was 167.8 cm, the chest circumference was 205.0 cm, the bone width in the macula was 52.3 cm. The height of 1.9 cm; 1.7 cm; 0.6 cm; 1.3 cm; 1.8 cm, respectively, compared to conventional household feedings of cows grown in farm conditions.; 2.0 cm and 0.1 cm, respectively.

Keywords: *breed, monbellard, cow, lactation, live weight, feed, milk, fat, protein.*

Мавзунинг долзарблиги. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида хориждан келтирилган монбельярд зотли сигирларнинг экстерьер хусусияларини турли сақлаш ва озиклантириш шароитларида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини экстерьер хусусиятларига биринчи навбатда, уларни тўла қийматли озиклантириш шароитларини ташкил этиш билан боғлиқдир. Экстерьер хусусиятлари яъни қорамолларнинг ташқи тузилиши шакли билан маҳсулдорлиги ўртасида боғлиқлик бор ва бу боғлиқликка озиклантириш шароитлари катта таъсир кўрсатади. Қорамоллар тана тузилиш шаклига кўра ҳар хил маҳсулдорлик йўналишига эга бўладилар, шунинг билан бирга, биологик чидамлилиқ ва хўжалиқ фойдали белгилари билан ҳам сут маҳсулдорлиги узвий боғлиқ бўлади [2,5,6].

Монбельярд зотли сигирларнинг экстерьерери мутаносиб ривожланганда одатда сут ёки сут-гўшт типига мансуб бўлади ва маҳсулдорлиги юқори бўлади. Тадқиқотларимизда экстерьер хусусиятларига баҳо берганимизда, сигирларнинг маҳсулдорлик йўналишлари бўйича ҳар бир тана қисмларига қўйилган талабларни эътиборга олган ҳолда, уларнинг тана ўлчамларини ва тана ўлчамларига асосан ҳисоблаб чиқилган тана индексларини ҳам таҳлил қилдик, бу эса маҳсулдорлик йўналишларини баҳолашда ушбу кўрсаткичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, монбельярд зотли сигирларнинг тана ўлчамлари асосида ҳисобланган тана индексларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратиш ҳамда зотнинг маҳсулдорлиги бўйича хўжалиқ-фойдали белгиларидан кенг фойдаланиш имкониятини оширади. Тадқиқотларда сут ишлаб чиқариш хилига мансуб юқори маҳсулдор сигирлар етиштириш, келгусида сут ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради ва улардан сутбоп подаларда фойдаланиш ҳам самарали ҳисобланади деган хулосага келган [1,3,7,9].

Кўпгина муаллифлар тадқиқотлари натижаларидан хулоса қилишларича, монбельярд зотли қорамолларни тана индекси бўйича баҳолашда, бир тана ўлчамларининг иккинчи тана ўлчамларига нисбати ва уларнинг анатомик боғлиқлиги билан баҳоланиб, улар фоизларда ифодаланади деганлар. Шунинг учун тана ўлчамлари ва тана ўлчамлари бўйича маълумотлар асосида тана индексларини аниқлаш, зотнинг маҳсулдорлик йўналишлари бўйича ўрганиб, таҳлил қилиш муҳимдир. Шунингдек, сигирларнинг тана тузилиш хилини ва экстерьер хусусиятлари бўйича режали танлаш ва жуфтлаш ишларини олиб бориш, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириб, юқори сермахсул подалар яратишда муҳим амалий аҳамият касб этади деган фикрга келганлар [4,8,10].

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон шароитида III ва ундан юқори лактациядаги монбельярд зотли сигирларнинг экстерьер хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот ўтказиш жойи ва усуллари. Тадқиқотлар 2023-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани “Qoniratbay mexri” наслчилик фермер хўжалигидаги монбельярд зотли сигирларда ўтказилади. Сигирларнинг экстерьер хусусиятлари лактациясининг 3-чи ойда 8 та тана ўлчамларини (яғрин ва сағри баландлиги, кўкрак чуқурлиги, эни ва айланаси, тананинг қия узунлиги, орқа дўнг суяк эни ва пойча айланаси) ўлчаш орқали ва улар асосида ҳисоблаб чиқилган тана тузилиш индексларини таҳлил этиш орқали ўрганилди. Маълумотларининг аниқлиги ва ишончлилиги spss (Statistical Paskage for Social Science) компьютер дастури асосида таҳлил қилинди.

Тажриба учун ўхшашлик белгилари бўйича келиб чиқиши, зотдорлиги, ёши, тирик вазни, оналарининг сут маҳсулдорлиги, оталарининг зотини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 15 бошдан иборат 2 та гуруҳ III ва ундан юқори лактациядаги монбельярд зотли сигирлар танлаб олинди.

Тадқиқот натижалари. Биз турли озиқлантириш шароитларида сигирларнинг экстерьер кўрсаткичларидан тана қисмларини аниқладик. Экстерьер кўрсаткичлар баҳолашнинг самарадорлигини оширишда, сигирларнинг озиқлантириш шароитларининг таъсири бўйича баҳолаш бир-бирини тўлдиради. Биз шу мақсадда тадқиқотларимизда тана қисмларини ўлчаш ва улар асосида тана индексларини таҳлил қилиш орқали баҳолаш усулида сигирларнинг тана тузилишини мутаносиб ривожланганлигини аниқладик, унинг натижалари 1-жадвалда келтирилади.

1-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг тана ўлчамлари, см

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	Cv, %
Яғрин баландлиги	139,7 $\pm$ 0,6	1,45	141,6 $\pm$ 0,76*	1,87
Сағри баландлиги	141,8 $\pm$ 0,70	1,72	143,6 $\pm$ 0,82*	1,99
Кўкрак кенглиги	52,2 $\pm$ 0,32	1,93	52,8 $\pm$ 0,40	2,65
Кўкрак чуқурлиги	70,1 $\pm$ 0,50	2,70	71,4 $\pm$ 0,63*	3,07
Тананинг қия узунлиги	166 $\pm$ 0,40	0,82	167,8 $\pm$ 0,46**	0,94
Кўкрак айланаси	203,2 $\pm$ 0,60	0,98	205,0 $\pm$ 0,55*	0,99
Орқа дўнг суяк эни	52,2 $\pm$ 0,37	2,45	52,3 $\pm$ 0,41	2,74
Пойча айланаси	20,8 $\pm$ 0,05	0,82	20,8 $\pm$ 0,09	1,48

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, тажриба гуруҳидаги аралашма рационда озиқлантирилган сигирларнинг яғрин баландлиги 141,6 см, сағри баландлиги 143,5см, кўкрак кенглиги 52,8 см, кўкрак чуқурлиги 71,4 см, тананинг қия

узунлиги 167,8 см, кўкрак айланаси 205,0 см, орқа дўнг суяк эни 52,3 см ва пойча айланаси 20,8 см ташкил этиб, назорат гуруҳидаги хўжалик шароитида озиклантирилган тенгқурларникига нисбатан тегишли равишда 1,9 см ($P>0,95$), 1,7 см ($P>0,95$), 0,6 см, 1,3 см ($P>0,95$), 1,8 см ($P>0,99$), 2,0 см ($P>0,95$), 0,1 см юқори бўлганлиги аниқланди.

Тажриба гуруҳида ўзгарувчанлик коэффицентларининг хўжалик фойдали белгиларининг бир-бирига яқин бўлиши, белгиларнинг мақсадга мос келиш даражасини орттиради. Тадқиқотларимизда тажриба гуруҳларимизда тана қимларининг барча кўрсаткичлари бўйича (C_v , 0,78-2,72%) бири-бирига яқинлигини кўриш мумкин.

Монбельярд зотли сигирларнинг тана ўлчамлари асосида ҳисоблаб чиқилган тана индекслари кўрсаткичлари бўйича баҳолаш учун, танасининг мутаносиб ривожланганлиги ва тана тузилиш хилларига мансублигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. 2-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг тана индекслари келтирилади.

2-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг тана индекслари, %

Индекслар	Гуруҳлар, (n=15)	
	I	II
Узуноёқлилиқ	49,6	49,82
Чўзилувчанлик	118,2	118,8
Кўкракдорлик	73,9	74,47
Тос-кўкрак	100	101
Зичлилиқ	122	122,1
Суякдорлик	14,6	14,9

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, II гуруҳдаги сигирларининг узуноёқлилиқ индекси I гуруҳдаги сигирларникидан бироз юқори кўрсаткичга эга бўлди. Шунинг билан бирга, II гуруҳ сигирларида чўзилувчанлик индекси 118,8% ни ташкил этиб, I гуруҳ сигирларникидан 0,6% юқори бўлди, бу эса ҳар иккала гуруҳдаги сигирлар сут хилига мансуб чўзилувчан тана эга бўлганлигидан далолат беради. II гуруҳ сигирларининг тос-кўкрак индекси I гуруҳдаги тенгқурларникига нисбатан бироз юқори яъни 1,0%га юқори бўлганлиги аниқланди, бу эсауларнинг кўкрак қафаси яхши ривожланганлигидан далолат беради ҳамда улар зич танага эга эканлигини зичлилиқ индексининг юқорилиги ҳам тасдиқлайди. Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки I ва II гуруҳдаги сигирларнинг узуноёқлилиқ, чўзилувчанлик, зичлилиқ ва суякдорлик индекслари деярли сезиларли фарқ кузатилмади ва бу эса ушбу гуруҳ сигирларнинг тана тузилиш шакли нафас олиш типига хос эканлигидан

далолат беради. Шундай қилиб, тадқиқотлардан олинган маълумотлар I ва II гуруҳдаги гуруҳлардаги сигирлар мутаносиб тана тузилишига ва улар сут хилига мансуб эканлигидан ушбу далолат беради.

Хулоса. Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон шароитида аралашма рационда озиклантирилган сигирларнинг яғрин баландлиги 141,6 см, сағри баландлиги 143,5 см, кўкрак кенглиги 52,8 см, кўкрак чуқурлиги 71,4 см, тананинг қия узунлиги 167,8 см, кўкрак айланаси 205,0 см, орқа дўнг суяк эни 52,3 см ва пойча айланаси 20,8 см ташкил этиб, хўжалик шароитида озиклантирилган тенгқурларникига нисбатан тегишли равишда 1,9 см; 1,7 см; 0,6 см, 1,3 см; 1,8 см; 2,0 см ва 0,1 см юқори бўлганлиги келтирилади. Шунингдек, монбельярд зотли сигирлар яхши ривожланган узунқиликка, чўзилувчанликка ва кўкракдорлик индекслар билан тавсифланганлиги, уларнинг мутаносиб тана тузилишига эга бўлганлигини, бу эса сигирлар сут хилига мансублигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Еременко В.И., Обливанцов В.В. Компьютерное прогнозирование желательного типа телосложения и удоя коров бурых пород. //Ж. Зоотехния. Москва, 2007 г., №12. с. 7-9.
2. Лапина М.Ю., Абрамова М.В. Динамика показателей экстерьера и молочной продуктивности в микропопуляции голштинского скота. Ж. Пермский аграрный вестник. №3 (31) 2020. С. 94-102.
3. Прахов П.П., Коваль Л.Л. Воробьева Н.В., Экстерьерные особенности высокопродуктивных коров. // Зоотехния. -Москва, 2010. -№7. -С. 12-13.
4. Мадрахимов Ш.Н, Рўзиев НР. [Саноат асосида чатиштиришдан олинган F1 дурагай авлодларининг ўсиш курсаткичлари](#). 2022. Ж.“Chorvachilik va naslchilik ishi 4, 26.
5. Рўзиев Н., Мадрахимов Ш. Турли генотипга мансуб монбельярд зотли бузоқларнинг экстерьер кўрсаткичлари. Чорвачилик ва наслчилилик иши. Ж., №05, 2022. 7-9 б.
6. Рузиев Н Р. [Взаимосвязь хозяйственно полезных признаков у коров с различным уровнем молочной продуктивности](#). V-ой Международной научно-практической конференции молодых учёных, посвящённые 25-летию ФГБНУ «Прикаспийский НИИ аридного земледелия». Приоритетные направления развития современной науки молодых учёных аграриев. Астрахань – 2016, с.620-622.
7. Рузиев Н Р. [Зависимость молочной продуктивности коров от генотипа быков производителей и возраста при первом отеле](#). Сборник научных трудов Краснодарского научного центра по зоотехнии и ...2017. Научные основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных. Сборник научных

трудов СКНИИЖ по материалам 6-ой международной научно-практической конференции. 2017 г. г. Краснодар с. 1428-1431.

8. Рузибоев Н Р. [Зависимость молочной продуктивности коров от их живой массы](#). Молочное и мясное скотоводство. Ж. Молочное и мясное скотоводство. Москва, - 2014, -№4, -С. 32-34.

9. Рузибоев Н Р. [Продуктивные качества коров красной степной породы в условиях жаркого климата](#). II Меж научно-прок. Ин-т кон «Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального использования» Астрахань, Россия. С. 1428-1431. с. Солёное Займище, 2017 г. 28 феврал Веб сайт. Прикаспийский НИИ аридного земледелия www/pniiaz.ru.

10. Kazakova S, Roziboyev N. [Exterior of cows with different body structures](#). 2022. Development and innovations in science 1 (13), 14-17.

